

Сиёсий-маърифат соати | Давлат хизматчилари соғлом овқатланиши учун муҳим тавсиялар



Давлат фуқаролик хизматчиларининг сиёсий, маърифий ва маънавий билим ҳамда кўникмаларини ривожлантириб бориш мақсадида ҳафтанинг ҳар жума куни ташкил этиб келинаётган “Сиёсий-маърифат соати”нинг бу ҳафтага мўлжалланган навбатдаги онлайн машғулоти бўлиб ўтди.

Бугунги ўқув машғулотини туман ҳокимлиги кичик мажлислар залидан туман ҳокимининг ўринбосарлари, ҳокимлик аппарати ходимлари ҳамда корхона ва ташкилотлар вакиллари онлайн кузатиб боришди.

Ўқув машғулотида “Давлат хизматчилари соғлом овқатланиши учун муҳим тавсиялар” мавзусида ҳамда “Конституциявий саводхонлик” ва “Мутолаа вақти” рукнлари, шунингдек, юртимиз ва хориж саҳнида рўй бераётган муҳим воқеа-ҳодисалар ҳақида ахборот берилди.